

---

## ТУМАН САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг асосий мазмуни ва мақсади ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатига эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилгандир.

22 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловлардан кутилаётган натижалар мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши ва ривожланишининг кейинги истиқболлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Туман сайлов комиссияси аъзолари иштирокидаги йиғилишда юқоридаги фикрлар ўртага ташланди. Комиссия раиси Фозилжон Йўлдашев бу сиёсий жараён масъулиятини таъкидлаб, ҳар бир комиссия аъзосига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажаришни таъкидлади.

**ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ**

2019-12-04 15:29:29